

Ёзувчи Зоҳир Аълам уруш даври фарзанди, у 1943 йили Тошкентда тугилган. Ўрта мактабни тугатгач, кундузлари Тошкент трактор заводида ишлаб, кечкурунлари эса Тошкент Давлат дорилфунунида тахсил олади. Олий ўқув юртини тугатгач, собик Совет Армияси сафларида хизмат килади. Сўнгра Бухоро-Урал газ ўтказгич магистралида ишлайди. «Ўзбекистон» нашриётида, «Шарк юлдузи» ойнومаларида фаолият кўрсатди.

Зоҳир Аъламнинг ижоди, аниқрога биринчи китоби «Бахтли билет» номи билан 1972 йилда нашрдан чиққан. Ундаги кўпгина хикоя адиб кўрган, билган ҳаёт ва замондошлари образини чизишга қаратилган. Сўнгра 1978 йили «БАМ уфклари» (1978) номли очерк ва хикоялар мажмуасини чоп эттиради. 1978 йилга келиб, унинг «Муқаддима» қиссаси яратилади. 1981 йилда «Кийик кўзи» номи билан хикоялар тўплами босидади. Ва ниҳоят, 1987 йилда «Афандининг қирк бир пашшаси» номли қиссаси нашр бўлди. Мазкур хикоя, қиссаларида муаллиф ҳаёт ва одамлар, табиат ва жамият муаммолари ҳақида, имон ва диёнат, жаҳолат ва пасткашликлар ҳақида хикоя килади. Яхшилардан, яхши нарсалардан ўрнак олишга, унинг учун қурашга даъват этади.

У таржимон сифатида ҳам анча асарларни ўзбек тилига ўгирган. Булар орасида С.Залигиннинг «Комиссия» романи ажралиб туради.